



Савол:

Эркакларга жаннатда ҳури ийнлар бўлиши айтилган, аёлларгачи?

Жавоб:

Аллоҳ таборака ва таоло жаннат неъматлари ҳақида айтади: «**Сизлар учун (жаннатда) кўнгилларингиз тилаган нарсаларингиз бордир ва сизлар учун у жойда истаган нарсаларингиз бордир.** (Бу) **мағфиратли ва меҳрибон зот томонидан бўлган зиёфатдир**» (Фуссилат: 31-31).

Яна айтади: «**У жойда кўнгиллар тилайдиган ва кўзлар лаззатланадиган (барча) нарса бордир. Сизлар у жойда мангум қолурсизлар**» (Зухруф: 71).

Маълумки, жуфтлашиш (қовушиш) нафслар тилайдиган нарсалар ичida энг кучлиларидан саналади. У эркак бўлсин, аёл бўлсин, барча жаннат аҳлига ҳосил бўлади. Жаннатда Аллоҳ таоло аёл кишини дунёда жуфтиҳалоли бўлган эркакка қовуштиради. Аллоҳ таоло айтганидек: «**Парвардигоро, уларни ҳам, уларнинг ота-боболари, жуфти ҳалоллари ва зурриётлари орасидаги солиҳ-мўмин бўлган кишиларни ҳам ўзинг уларга ваъда қилган мангум жаннатларга дохил қилгин. Албатта Сенинг Ўзинггина қудрат ва ҳикмат соҳибидирсан**» (Фоғир: 8).

(Муҳаммад ибн Солиҳ ал-Усаймин: Мажмуъул-фатава: 2/51).